ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Д.А.Набиева

Мақолада ҳозирги кунда таълим тизими олдида турган асосий масала – компетентли шахс тарбиясида лингвистик компетенциянинг ўрни ва уни шакллантириш муаммолари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *компетенция, компетентли шахс, лингвистик компетенция, таълимга компетентли ёндашув.*

В данной статье речь идет о роли и проблемах формирования лингвистической компетенции в воспитании компетентной личности, что является приоритетной задачей, стоящей перед системой обучения.

Ключевые слова: *компетенция, компетентная личность, лингвистическая компетенция, компетентный подход в обучении*

This article deals with the role and problems of formation of linguistic competence in the education of a competent person, which is a priority task facing the learning system.

Key words: *competence, competent person, linguistic competence, competent approach in training.*

Таълимга компетенциявий ёндашув – кадрларда юксак профессионализм шаклланишининг гаровидир. Чунки бундай ёндашув, таълимнинг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар, бир умумий тамойил асосида иш кўради: билимли, ҳар қандай вазиятларда ўзини бошқара олиш ва шу вазиятлардан ўзига фойдали қирраларини ажрата олиш кўникмаларига эга бўлган, ҳар томонлама етук, комил шахс, бир сўз билан айтганда, компетентли шахс тарбиясидир.

О.И.Окуловский компетентлиликни эгалланган компетенцияларга асосланган ҳолда муайян соҳада профессионал фаолият олиб бориш имконияти деб, компетентли шахсни эса муайян вазиятларда билим, кўникма ва фазилатлардан ўринли ҳамда унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлган шахс [2. 499-500], деб баҳолайди.

Компетенция термини лотинча “competere”дан олинган бўлиб, “мос келиш, талабга жавоб бериш” демакдир. Дастлаб бу термин 1959 йилда америкалик психолог Р.Уайт томонидан қўлланган бўлиб, унга шахснинг уни қуршаб турган муҳит билан самарали муносабатдорликда бўлиши, деб таъриф беради.

О.И.Окуловский компетенциялар ва компетенцияли таълим хусусида фикр юритиб, “Компетенция – билим, малака ва шахсий фазилатларга асосланган ҳолда муайян йўналишда муваффақиятли фаолият олиб бориш кўникмаси” [2. 499-500] эканлигини таъкидлайди.

Ожегов ва Шведовалар таҳрири остидаги “Рус тилининг изоҳли луғати”да (“Толковый словарь русского языка”) компетенцияга қуйидагича таъриф берилади: “Компетенция – бу инсон томонидан яхши ўзлаштирилган билимлар кўлами. Инсон ҳаёти давомида олган билим, малака ва кўникмаларига асосланади. Булар, ўз навбатида, инсоннинг муайян фаолият олиб боришига, қўйилган муаммоларни ҳал этишга лаёқатини таъминлайди” [1]. Кўринадики, компетенция – инсоннинг эгаллаган билим, малака ва кўникмалари асосида ижтимоий ҳаётимизнинг бирор бир жабҳасида самарали фаолият юритиш лаёқатига эга бўлишдир.

Компетенциялар ижтимоий, мафкуравий-сиёсий хусусиятларига кўра турлича бўлиши мумкин, яъни муайян макон ва замонда жамият томонидан ўрнатилган таълим мақсадидан келиб чиқиб компетенция турлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, Европа ёшлари учун В.Хутмахер томонидан таклиф этилган таянч компетенциялар – ижтимоий ва сиёсий компетенция, кўпмаданиятли жамият ҳаёти билан боғлиқ компетенция, оғзаки ва ёзма мулоқотга киришиш компетенцияси, жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ компетенция, касбий компетенция... Австрия таълим тизимида ажратилган таянч компетенциялар – шахсни ривожлантиришга йўналтирилган компетенция, ижтимоий компетенция (бунга коммуникативлик, жамоада ишлай олиш, жанжалларни бартараф қила олиш, тушуниш, ижтимоий жавобгарлик кабилар киритилади), соҳага доир, яъни профессионал компетенция... (бунда тил ва коммуникативлик, ижод ва дизайн, инсон ва жамият каби муносабатлар ажратилади) Ёки Британия мактаблари учун ажратилган компетенциялар – мулоқот компетенцияси, ҳисоб-китоб компетенцияси ва ахборот саводхонлиги... [3. 10-21]. Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари учун

бирдек зарур бўлган компетенциялар – лингвистик компетенция, мулоқот компетенцияси ва профессионал компетенциялардир. Таъкидлаш зарурки, қайси соҳа, қайси ижтимоий гуруҳ вакили бўлишидан қатъи назар, лингвистик компетенцияга эга бўлмай туриб компетенциянинг бошқа турларини эгаллаб бўлмайди. Чунки юқорида ажратилган компетенцияларнинг ҳар бири замирида лингвистик компетенция ётади. Тил ҳақида, унинг ички тузилиш бирликлари ва уларнинг имкониятлари ҳақида умумий билимлар захирасига эга бўлмай туриб мулоқотни самарали амалга ошириш мумкин эмас. Шу билан бирга, самарали мулоқотсиз профессионал компетенцияни эгаллаб бўлмайди.

Кўринадики, бугунги кун таълим тизими олдида турган долзарб муаммо – нафақат билимли, интеллектуал салоҳиятга эга шахсларни тарбиялаш, балки уларда эгалланган билим ва кўникмалардан вазиятларга қараб фойдалана олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Шу кунгача таълим тизимимизда, хусусан, она тили таълимида асосий эътибор академик руҳдаги грамматика ўқитишга қаратилган эди. Яъни ўқувчиларга ўзбек тилининг қуруқ грамматик қоидалари сингдирилди. Аммо самарали мулоқотни амалга ошириш учун зарур бўлган омиллар – ўқувчиларнинг оғзаки, ёзма, оммавий нутқ ҳосил қилиш имкониятлари, мулоқот (сўзлаш ва тинглаш) одоби, нутқ меъёрлари ва услублари кабилар назардан четда қолди. Бу билан биз умумтаълим мактабларида грамматика ўқитилиши зарур эмас, деган фикрни илгари сурмоқчи эмасмиз. Лекин грамматика ўқитиш қоида ёдлатиш билан амалга оширилмаслиги зарур. Грамматика тилнинг татбиқини, унинг функциялашиш имкониятларини ўргатиш асосида сингдирилиши лозим, яъни ўқувчиларда лингвистик компетенция шакллантирилиши зарур.

Лингвистик компетенция нималарни қамраб олади? Лингвистик компетенцияга эга бўлиш учун тил сатҳлари ва сатҳ бирликлари, уларнинг мулоқот жараёнидаги ифода имкониятлари, тўғри сўзлаш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ҳосил қилиш лозим. Шу билан бирга лингвистик компетенция ўз таркибига социолингвистик ва прагмалингвистик компетенцияларни ҳам қамраб олади. Бунда социолингвистик компетенция мулоқот жараёнида мулоқот вазиятини тўғри танлай олиш, яъни гендер хосланган тил унсурларидан, ижтимоий-маданий хосланган воситалардан, ҳудудийлик ва тарихийлик бўёғига эга бўлан бирликлардан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутади.

Прагмалингвистик компетенция эса ўқувчиларда матн мазмунини тушуниш, метафорик образлар асосида лўнда, таъсирчан ва аниқ нутқ ҳосил қилиш кўникмаларига эга бўлишни назарда тутади. Кўринадики, она тили таълими жараёнида устувор вазифа қоидаларни кўр-кўрона ёдлатиш эмас, балки мулоқот турларини амалга ошириш асосида муҳим қоидаларни қайд этиш ва сингдиришдан иборат.

Демак, лингвистик компетенция компетенциявий таълимнинг асоси бўлиб, унинг мақсади – ўқувчиларда тўғри мулоқот қилиш кўникмасини, яъни мулоқот компетенциясини шакллантиришдан иборат.

Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчиларга катта масъулият юклайди. Чунки ўқувчининг мулоқот компетенциясини шакллантириш учун ўқитувчидан унинг психологик, физиологик ва ижтимоий хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва, шу билан бирга, юқоридаги муаммолар билан шуғулланувчи замонавий тилшунослик йўналишлари ҳақида ҳам етарли даражада билимга эга бўлиш талаб этилади. Зеро, бундай билимга эга бўлмай туриб компетентли шахсни тарбиялаш мумкин эмас.

Компетентли шахс тарбияси ўқитувчидан ҳар бир ўқувчининг шахсий фазилатлари, психофизиологик хусусиятлари ҳақида чуқур билимга эга бўлишни талаб қилади. Бу эса она тили таълимини тилшуносликнинг замонавий йўналишлари – прагмалингвистика, психолингвистика, социолингвистика ва, айниқса, нейролингвистика билан боғлайди.

Нейролингвистика психологиянинг неврология ва лингвистика билан кесишган тармоғи бўлиб, нутқ фаолияти жараёнидаги мия механизмини ва унинг локал шикастланиши оқибатида юзага келадиган нутқдаги ўзгаришлар (нуқсон)ни ўрганади. Нейролингвистиканинг асосий предмети афазиядир.

Афазия – бош миянинг локал жароҳати туфайли юзага келган гапириш, ўзганинг нутқини тушуниш, ўқиш, ёзиш, тафаккур қилишдаги нуқсонлардир.

Шу билан бирга, нейролингвистика болалар ривожланиш даврида улар нутқидаги бузилишларни ҳам ўрганади. Болалар нутқида бузилишлар фақат мия жароҳати билан боғлиқ эмас. Хусусан, нейролингвистиканинг **деменция** (ақлий фаолиятнинг пасайиши ва янги билимларни қабул қилмаслик), **дислексия** (таълим жараёнида ўқувчининг умумий қобилияти сақланган ҳолда, ўқиш ва ёзишни ўрганиш қобилиятининг пасайиши ёки бузилиши), **мутизм** ((лот. Mutus – соқов.) психиатрия ва неврологияда инсоннинг гаплашиш ва тушуниш қобилияти сақланган бўлса-да, саволларга жавоб бермаслик, гаплашмаслик, ҳеч қандай реакция билдирмаслик ҳолати) каби соҳалари борки, улар

таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг психофизиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мулоқот компетенциясини шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Демак, лингвистик компетенциянинг асосий мазмуни ўқувчиларда мулоқот компетенциясини шакллантиришдан иборат бўлиши лозим. Мулоқот компетенциясини шакллантириш учун эса тилшуносликнинг социолингвистика, прагмалингвистика, психолингвистика ва, айниқса, нейролингвистика каби соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар ва олинган натижалар назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ожегов С.И., Шведова И.Ю. Толковый словарь русского языка. -М.: Азъ, 1992.

2. Окуловский О.И. Компетенции и компетентностный подход в обучении // Молодой ученый. – М., 2012. -№12. – С. 499-500.

3. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. 1-қисм. –Т.: Тафаккур, 2015. – Б.10-21.

Андижон давлат университети,
2019 йил 31 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Шаҳобиддинова)